

**АЖ «UZVAT A.O.» ҚК
КУЗАТУВ КЕНГАШИ
ТОМОНИДАН
2020 ЙИЛ 04 МАРТАГИ
1-SB/2020-сон
БАЁННОМА БИЛАН
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**АЖ «UZVAT A.O.» ҚК
БОШ ДИРЕКТОРИ**



ИГОРЬ КОЛЕСНИКОВ

АЖ «UZVAT A.O.» ҚК

(«UZBAT»)

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

(янги таҳрири)

Мазкур АЖ «UZBAT А.О» ҚК Ички Аудит Хизмати тўғрисидаги Низом» («Низом») куйидагиларга биноан ишлаб чиқилган:

- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонунининг 26.04.1996 йилдаги янги таҳрири;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 27.09.2006 йилдаги ПП-475-сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улушига эга бўлган корхоналарнинг самарали бошқаруви ва давлат мулкнинг тегишли ҳисобини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 16.10.2006 йилдаги 215-сонли қарори.

1. ТАЪРИФЛАР ВА ИЗОҲЛАР

1.1 Таърифлар

Мазкур Низомда, ЎЗБАТ Уставида ишлатиладиган, куйида белгиланган таърифлар қўлланилади:

- «Устав» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2014 йил 26 август куни 1246-рақам билан рўйхатдан ўтказилган Акциядорлик жамияти «УЗБАТ А.О.» Кўшма корхонасининг Уставини билдиради.
- «Кузатув кенгаши» Уставнинг 25-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
- «Бош Директор» Уставнинг 30-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
- «Ички аудит» УЗБАТ аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик далолатномалари, таъсис ва ички ҳужжатларга риоя қилиниши, бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисоботлардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлашлари, ўрнатилган хўжалик амалиётларининг амалга оширилишлари, активларнинг сақланиши, ҳамда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш қоидалари ва муолажаларига риоя қилишларини текшириш ва мониторинг қилиш орқали УЗБАТ бошқарув ижро органи ва таркибий бўлинмаларининг текшируви ва мониторинги бўйича таркибий бўлинмасининг (Ички аудит хизматининг) фаолияти
- «Ички аудит хизмати» УЗБАТнинг мазкур Низоми, УЗБАТ Кузатув Кенгаши қарори билан ўрнатилган талабларни ҳисобга олиб тузиладиган, УЗБАТ Ички аудит хизматини амалга оширувчи таркибий бўлинма.

1.2 Изоҳлар

Мазкур Низомда, агар контекст бошқасини талаб этмаса, фақат бирлик сонидан ифодаланган сўзлар, кўплик сонини ҳам ўз ичига олади ва аксинча.

2. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

2.1 Мазкур Низом УЗБАТ Ички аудит хизмати мақомини, унинг фаолиятини, ички аудит хизматига аъзоларни тайинлаш тартиби, ҳамда Ички аудит хизмати аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

3. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

3.1 Ички аудит хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- УЗБАТ Кузатув Кенгашини ҳаққоний маълумотлар билан таъминлаш ва ички аудитни амалга ошириш натижалари бўйича УЗБАТ фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- УЗБАТ бошқарув органларига ички аудит жараёнида аниқланган камчиликларни бартираф этиш бўйича тавсиялар киритиш, уларни бартираф этилиши устидан назорат олиб бориш.

3.2 Ички аудит хизматининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- Компания Кузатув Кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган режага мувофиқ, мазкур Низомнинг 7.1 бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича тегишли текширувлар ўтказиш орқали ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);
- тузиладиган ҳўжалик шартномаларининг қонунчилик талабларига мослиги бўйича экспертиза ўтказиш;
- УЗБАТ таркибий бўлинмаларига бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисоботни олиб боришда услубий ёрдам кўрсатиш, уларга молиявий, солиқ, банк ва бошқа қонунчилик масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- УЗБАТ Кузатув Кенгашига техник топшириқлар ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолаш, ҳамда аудиторлик текшируви ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсиялар тайёрлаш.

4. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- УЗБАТ ҳужжатлари (Дирекция буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органларининг қарорлари, маълумотномалар, ҳисоблар, зарурий ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатларни), ички аудитни амалга ошириш жараёнида юзага келидаган масалалар бўйича УЗБАТ мансабдор ва бошқа жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

- УЗБАТ тегишли мутахассисларини ички аудит ўтказишга амалий ёрдам беришлари учун жалб қилиш.

4.2 Ички аудит хизматининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- ички аудит амалга оширилганда мазкур Низом ва бошқа қонунчилик далолатномалари талабларига риоя қилиш;
- мазкур Низомнинг 7.1 ва 7.2 бандлари билан белгиланган талабаларга мувофиқ ҳисоботлар тузиш;
- молиявий ва статистик ҳисобот кўрсаткичларининг ҳаққонийлигини текшириш;
- ички аудитни амалга ошириш жараёнида олинган маълумотларнинг конфиденциаллигига риоя қилиш;
- УЗБАТга мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар томонидан зарар етказилганлигини билдирувчи далиллар аниқланган тақдирда, бу ҳақида зудлик билан УЗБАТ Кузатув Кенгашига хабар бериб, аудиторлик ҳисоботига тегишли ёзувлар киритиш;
- активларни санокдан ўтказиш ва уни қонунчилик билан ўрнатилган тартибда ўз вақтида амалга оширилиши устидан назорат олиб борилишида иштирок этиш.

Ички аудит хизмати қонунчилик ва УЗБАТ Кузатув Кенгашига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

- 5.1 Ички аудит хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган талабларга жавоб беришлари керак. Қонунчиликда бундай ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Ички аудит хизмати ходимларига бўлган талаблар УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан белгиланади.
- 5.2 Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал қилиш учун етарли бўлиши керак ва УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги низомлари асосида тасдиқланади.
- 5.3 Ички аудит хизматини Ички аудит хизмати бошлиги томонидан бошқариди. УЗБАТ Ички аудит хизматининг бошлиги, унинг ўринбосари ва шахсий таркиби, УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тайинланади.
- 5.4 Ички аудит хизматининг бошлиги ҳар йили ички аудит хизматининг йиллик смета харажатларини тузади ва уни тасдиқлаш учун УЗБАТ Кузатув Кенгашига тақдим этади.
- 5.5 Ички аудит хизмати ходимларининг касб даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида тизимли асосда уларнинг малакаларини ошириш орқали қўллаб-қувватланади.

5.6 Ички аудит хизмати ходимлари УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилиб туриладилар.

5.7 УЗБАТ Ички аудит хизмати ходимларига (Бошлиқ билан бирга), УЗБАТ ходимлари учун кўзда тутилган мукофотларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳисоблаш муолажаларига биноан, Ички аудит хизматининг бундай ходимлари фаолиятининг яқунлари бўйича УЗБАТ ходимлари учун кўзда тутилган тартибда мукофотлаш низомлари тадбиқ этилади. УЗБАТ Ички аудит хизмати ходимлари УЗБАТ Ички аудит хизматидаги меҳнатлари учун Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган смета ва ойлик иш ҳақи доирасида мукофотлар олишлари тасдиқлансин. УЗБАТ Бош директори УЗБАТнинг барча ходимларига нисбатан УЗБАТнинг тегишли сиёсатларига мувофиқ УЗБАТнинг бир йиллик иши яқунлари бўйича УЗБАТ Ички аудит хизмати ходимларини мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга.

6. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ

6.1 Ички аудит хизмати мустақиллигинининг асосий шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ички аудит хизмати бошлиги, унинг ўринбоси ва унинг ходимларини лавозимларига тайинлаши ва лавозимдан озод этиш, уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг миқдорларини белгилаш, УЗБАТ Кузатув Кенгашининг қарорларига кўра;
- УЗБАТ Кузатув Кенгашига бевосита бўйсиниш.

7. ИЧКИ АУДИТ ЎТКАЗИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒМА ҲИСОБОТ ТУЗИШГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

7.1 Ички аудит фақат Ички аудит хизмати ходимлари томонидан текширувлар ва мониторинг ўтказиш орқали амалга оширилади:

- тасдиқланган бизнес-режа бажарилишининг бориши;
- корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиш;
- бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳолати;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши;
- молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя қилиш;
- активларнинг ҳолати;
- ички назорат ҳолати.

УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан қонунчиликка биноан текширувларнинг бошқа йўналишлари ҳам белгиланиши мумкин.

7.2 Ўтказилган текширувлар натижалари бўйича, уларни бевосита ўтказган Ички аудит хизмати ходими /ходимлари томонидан имзоланадиган тегишли ҳисоботлар тузилади.

Бунда:

- А) бизнес-режа бажарилишининг боришини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
- унинг бажарилишининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг таҳлили;
 - унинг бажарилиши таъминланмай қолган тақдирда, айбдор мансабдор шахсларни шахсан кўрсатган ҳолда, аниқланган сабабларни акс эттирилиши;
- В) корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилинишини текшириш натижалари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
- УЗБАТ бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг натижавийлиги, акциядорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя қилинишининг таҳлили;
 - корпоратив бошқарув соҳасидаги қонунчиликнинг бузилиш фактларини акс эттирилиши (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва корхона бошқарув органларининг мажлисларини ўтказиш, дивидендлар тўловларининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳ.к.);
- С) УЗБАТ бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳолатининг текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
- бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш ва молиявий ҳисобот тузиш тартибига риоя қилинишининг баҳоланишини;
 - бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш ва молиявий ҳисоботини тайёрлаш бўйича ўрнатилган тартибнинг бузилиши аниқланганлигини акс эттириши;
- Д) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобларининг тўғри тузилганлиги ва тегишли органларга тақдим этилганлигининг баҳоланиши;
 - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тўланиши бўйича ўрнатилган тартибнинг бузилганлик фактларини, солиққа тортиладиган базани аниқлашда оғишларни акс эттирилиши;
- Е) УЗБАТ томонидан молиявий-ҳўжалик амалиётлари амалга оширилганда қонунчиликка риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
- УЗБАТ томонидан амалга оширилган молиявий-ҳўжалик амалиётларининг қонунчиликка мослигининг баҳоланиши;
 - ички аудит ўтказилаётган вақтда аниқланган УЗБАТ томонидан амалга оширилган молиявий-ҳўжалик амалиётлари қонунчиликка мувофиқ

эмаслигининг акс эттирилиши;

Ғ) ички назорат ҳолатини текшириш натижалари ҳақидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ички назорат тизими ва ундаги камчиликлар мавжудлигини тасвирлаш;
- таркибий бўлинмалардаги ижро интизомининг ҳолати, УЗБАТнинг маълум ходимларининг ишида мавжуд бўлган камчиликлар тўғрисидаги маълумотлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни санокдан ўтказишга асосланган ва уларнинг ҳаракати, ҳақиқий мавжудлиги ва сақланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Шунингдек, ўтказилаётган текширувлар бўйича барча ҳисоботлар, УЗБАТ ижро органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини баҳолашни, аниқланган камчиликлар ва тартиббузарликларни, тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олувчи яқунловчи қисмдан иборат бўлиши керак.

7.3 Мазкур Низомнинг 7.1 ва 7.2 бандларига мувофиқ, ҳар чорақда УЗБАТ департаментлари ва бўлимларнинг ички аудит яқунлари бўйича, Ички аудит хизмати бошлиги ёки унинг вазифасини бажарувчи унинг ўринбосари томонидан тузилади ва имзоланади.

7.4 Йиғма ҳисобот қуйидагиларни ўзи ичига олади:

- таҳлилий қисм;
- яқуний қисм;
- тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ пакети.

7.5 Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми Ички аудит хизмати ходимлари томонидан мазкур Низомнинг 7.1 ва 7.2 бандларига биноан ўтказилган текширувлар натижалари ҳақидаги умумлаштирилган маълумотларни ўз ичига олади.

7.6 Ҳисоботнинг яқуний қисми қуйидагилардан иборат:

- УЗБАТ ижро органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятининг умумий баҳоланиши, ҳамда унинг ликвидлиги;
- Ички аудит хизматининг аниқланган камчиликлар ва тартиббузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялари, ҳамда УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолиятини самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича умумлаштирилган тақлифлар.

7.7 УЗБАТ департаментлари ва бўлимларнинг ички аудит тугугандан сўнг, 10 кун ичида Йиғма ҳисобот тайёрланиши шарт.

7.8 Йиғма ҳисоботлар кўриб чиқиш ва тасдиқлатиш учун УЗБАТ Кузатув Кенгашига тақдим этилади. Тасдиқлангандан сўнг ҳисоботларнинг нусхалари УЗБАТ Бош Директорига

тақдим этилиши лозим.

- 7.9 УЗБАТ Бош Директори ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш мажбуриятига эга.
- 7.10 Ички аудит хизмати текширув чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларининг ўз вақтида ва тегишли ижро этилиши, ҳамда УЗБАТ бутун молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш устидан назорат ўрнатиши лозим

8. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1 Ички аудит хизматининг ходимлари қуйидагилар учун жавоб берадилар:

- улар томонидан ўтказилган текширувлар натижаларининг бузилиши;
- УЗБАТ аъзоларига уларнинг хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан берилган, тижорат сирига эга бўлган маълумотларнинг конфиденциаллигига риоя қилмаслик;
- олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтариб берилишини таъминлаш.

8.2 Ички аудит хизмати аудиторлик текширувлар чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг баҳоланиши учун жавоб беради.

8.3 УЗБАТ Кузатув Кенгаши ҳар чоракда Ички аудит хизматининг текширувлар натижалари, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тинглайди.

9. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1 Ички аудит хизматининг мустақиллиги мазкур Низомнинг 6 моддасига мувофиқ, Ички аудит хизмати ходимларини УЗБАТ ва Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигининг ходимлар томонидан ўз хизмат мажбуриятларини бузишига нисбатан бўлган талабларини бажаришдан бош тортишини билдирмайди ва уларни бажаришдан озод қилмайди.

9.2 Ички аудит хизмати ходимлари ўз хизмат мажбуриятларига, Компаниянинг Ички меҳнат тартиби қоидаларига, УЗБАТнинг ички ҳужжатлари ва амалдаги меҳнат қонунчилиги риоя қилиш мажбуриятига эгадирлар.

9.3 Ички аудит хизмати ходимлари томонидан ўз хизмат мажбуриятлари, Компаниянинг Ички меҳнат тартиби қоидаларига, УЗБАТнинг ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган тақдирда, Ички аудит хизмати ходимлари улар ўз хизмат мажбуриятлари, Компаниянинг Ички меҳнат тартиби қоидаларига, УЗБАТнинг ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари бузганликлари учун ишдан бўшатилишлари, Бош Директор эса мазкур масала бўйича тегишли қарор қабул қилиш учун зудлик билан Кузатув Кенгашини чақириши лозим. Кузатув Кенгашининг қарори қабул қилингунгача, Компаниянинг, ҳамда Ички аудит хизматининг ҳужжатларидан фойдаланишга рухсатини ўз ичига олган, бироқ чегараланмаган ҳолда, ходимнинг Ички аудит хизмати ходими

сифатида фаолият юритиши тўхтатиб турилади.

10. УЗБАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА НИСБАТАН ВАКОЛАТЛАРИ

10.1 Мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг талабларига биноан, Кузатув Кенгаши:

- УЗБАТ Ички аудит хизмати фаолиятини бошқариш ва раҳбарлик қилишни амалга оширади;
- УЗБАТ Ички аудит хизмати Низомини, ҳамда Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишини тасдиқлайди;
- УЗБАТ Ички аудит хизмат ходимларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлайди;
- Ички аудит хизмати ходимларига нисбатан талабларни тасдиқлайди;
- УЗБАТ Ички аудит хизмати ходимларини, УЗБАТ Ички аудит хизмати раҳбари ва унинг уринбосарини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, УЗБАТ Ички аудит хизмати ходимларига иш хақи ва бшқа мукофотлар миқдорини белгилайди;
- УЗБАТ Ички аудит хизмати томонидан УЗБАТ фаолияти бўйича ўтказиладиган текширувлар ва УЗБАТ фаолияти бўйича ҳар йили ўтказиладиган текширувларнинг асосий йўналишлари тасдиқлайди;
- УЗБАТ Ички аудит хизматининг йиллик смета харажатларини тасдиқлайди;
- УЗБАТ Ички аудит хизмати ҳар йили ходимларни аттестациядан ўтказди;
- УЗБАТ Ички аудит хизматининг ҳар чораклик ва ҳар йилги ҳисоботларини кўриб чиқади.

Кузатув Кенгаши УЗБАТ Устави, умумий йиғилишлари қарорлари, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги низомлари билан берилиши мумкин бўлган бошқа ваколатларга эга бўлиши мумкин.